



MILLIY TIKLANISH

24 (137)

2011 йил 22 июнь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбек мўъжизалари

Байрамни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ўзбек миллий пазандачилиги, жумладан, нонвойлик ва қандолатчиликнинг қадимий анъаналарини ўргатиш, келажак авлодларга бекаму-кўст етказишга кўмаклашиш, иқтидорли нонвой ва қандолатчи хунармандлар меҳнатини юзага чиқариш, уларнинг шарафли ва фидокорона меҳнатларини муносиб тақдирлашдир.



"Дил изҳори"

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси юртимизда Дилшод сингари истеъдодли ёшларни доимо қўллаб-қувватлаб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб келади. Рассомнинг 2005 ва 2009 йилларда Москва шаҳрида шахсий кўргазмасини ўтказилишида ҳам Фонд Форум катта кўмак берди. Асосий ташкилотчи бўлди.



От спорти

Хорижий мутахассисларнинг фикрларига кўра, бугунги кунда халқаро ареналарда ўзбекистонлик ёш талантли спортчиларнинг моҳир ижролари тез-тез кўзга ташланмоқда. Натижада аксарият халқаро мусобақаларда ўзбекистонлик спортчиларнинг юқори ўринларни қўлга киритиши одатий ҳолга айланган. Шу жиҳатдан бўлса керак, халқаро ассоциация вакиллари келгуси йилги жаҳон чемпионати Тошкентда ўтказишни режалаштиришмоқда.



2 СИЁСАТ

● ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



5 МАЪНАВИЯТ

6 КЎЗГУ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ КУЧАЙИШИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда демократик тараққиётни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган қоида ва нормаларга оғишмай амал қилиниши, "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" Концепциясининг тадрийжийлик таомилга асосланган ҳолда татбиқ этилиши янги жамиятни шакллантиришнинг ноёб усуллари бўлиб хизмат қилди. Ушбу жараён, айниқса, кейинги ўн йил ичида ҳам қўламли, ҳам миқёс жиҳатдан кенгайди.

хукукий маданият, маънавият, иқтисодий тушунча ва сиёсий қарашларни тубдан ўзгартирди. Мамлакатимиз аҳолисининг бугунги тушунча ва дунёқарашини йигирма йил бурунги тушунча ва дунёқарашдан буткул фарқ қилади. Бу жараёнда, айниқса, давлат бошқаруви, ижро ҳокимияти ва қонун чиқарувчи органнинг жамият бошқарувидаги ваколатларининг мутаносиб равишда чуқурлашиб бориш принципи амал қилинган муҳим аҳамият касб этди.

Кенг қўламли ислохотларнинг ҳаётимизга босқичма-босқич жорий этилиши жамият ва одамлардаги ижтимоий онг,

2-бет

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2010 ВА 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқилди. Унда фракция аъзолари, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси девони ходимлари, Молия вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг қабул қилинган модели асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрийжий дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Натижа-

да 2010 йилда ҳам иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, унинг макроиқтисодий мувозанатлилигига эришилган. Ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқиш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишти-

риш ҳажми 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,1 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,7 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,4 фоизга ўсиши таъминланган.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган оқилона сиёсат натижасида 2010 йилда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2000 йилдаги 30 дан 52,5 фоизгача ўсган. Мамлакатда яратилган қўлай инвестицион муҳит туфайли 2010 йилда республикада 9,7 млрд. доллар эквивалентига тенг ҳажмдаги инвестициялар ёки 2009 йилдагига нисбатан 13,6 фоизга кўп инвестициялар ўзлаштирилган.

2-бет

● ТАДБИР

ЖАМИЯТДА ННТЛАРНИНГ ЎРНИ

Пойтахтда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг республика анжумани бўлиб ўтди.

Қасаба уюшмалари федерациясида бўлиб ўтган тадбирда май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда бўлиб ўтган ННТнинг ҳудудий анжуманларида сайланган делегатлар, жамоат ташкилотлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди. Унда бешта асосий масала 2011-2013 йиллардаги ташкилотнинг устувор йўналишдаги вазифалари, ҳудудий анжуманларда билдирилган тақлифлар асосида такомиллаштирилган ЎЗННТМА Этика кодекси лойиҳаси, кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссиясини сайлаш масалалари кўриб чиқилди. Делегатларга белгиланган йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг тўртта асосий бўлими ҳақида тушунчалар берилиб, Этика кодексининг тамойиллари ва унинг моҳияти батафсил тушунирилди.

43 нафар делегат ва 13 нафар таъсисчи қатнашган тадбирда вилоятларда ўз йўналиши бўйича фаоллиги билан ибрат бўлаётган ННТ раҳбарлари ҳам тақлиф-мулоҳазалар билдиришди. Тадбирда соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, айрим масалаларда ННТ фаоллиги сезилиши, зарур бўлса уларнинг ижтимоий кўмаги лозимлиги қайд этилди. Йиғилиш якунида ҳар бир вилоятга делегат ва таъсисчилар сайланди.

Наргиза АСАДОВА

6-бет

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

ДАВР ТАЛАБИ

Андижонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Андижон вилояти Кенгаши томонидан "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар: Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида кадрлар билан ишлаш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоят Кенгаши девони ходимлари, шаҳар, туман Кенгашлари раислари, раис ўринбосарлари, етакчи мутахассислар, халқ депутатлари Андижон вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашлари депутатлари иштирок этди.

Семинарни очган ЎЗМТДП Андижон вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси К.Отахонов ЎЗМТДП фаолиятини янада такомиллаштириш, ходимларнинг сиёсий, ҳукукий, маъна-

вий-маърифий билимларини ошириш, партия сафига етуқ, билимли, салоҳиятли ёшларни жалб этиш орқали кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига тўхталди.

— Муҳтарам Президентимизнинг ўтган йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасида юртимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қаратилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари партияимизнинг барча бўғинлари олдида устувор вазифаларни қўйди. Бу эса биздан етуқ, билимли, интилувчан ва ташаббускор кадрлар захирасига эга бўлишимизни тақозо этади, - деди нотик.

3-бет

● ФАОЛИЯТ

ОТ СПОРТИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНГ ОММАЛАШГАН ТУРЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Ўзбекистон от спорти ва йилқичилик Федерацияси, "Марказий ипподром" очиқ акциядорлик жамияти, "Ўзбегим" от спорти корхонаси ва бошқа тегишли ташкилотларнинг ҳамкорлигида фаолият олиб бораётгани жойларда кўплаб ёш талантли спортчиларнинг етишиб чиқиши, соҳани мунтазам ислоҳ этишга муҳим омили бўлмоқда. Шунингдек, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, водий вилоятларида қорабайир, саман, оқбулок, тўриқ каби зотли отларнинг етиштирилиши соҳанинг ривожланишига янада туртки бераётир. Ёш, талантли спортчилар эса халқаро ареналарда юртимиз байрогини баланд кўтаришмоқда.

От спортининг ўзбекона ўйини — кўпқарини олайлик. У аллақачон бизнинг миллий қадриятимизга ҳам айланиб улгурган. Чавандозларнинг қий-қириқлари, темир бетондай ўралган тўдани ёриб ўтишга ҳаракат қилаётган асов тулпорларнинг кишнаши, ҳалол-ҳалол деб кўлларини кўтарайтган халойиқнинг овози киши қалбини жунбушга келтиради. Бу ҳақиқатан ҳам довурақлар ўйини, туёғидан ўт чақнаган тулпорлар баҳси.

6-бет

● ҚАДРИЯТ

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАЛАРИ

НОН ВА ШИРИНЛИКЛАР БАЙРАМИДА НАМОЁН БЎЛДИ

Мустақиллик шарофати билан миллий қадрият, анъана ва урф-одадларимизни ўзда мужассамлаштирган анъанавий хунармандчилигимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган "Хунарманд", Ўзбекистон "Ошпазлар" ва "Тошкент-нон" нон ишлаб чиқарувчилар уюшмалари каби кўплаб ташкилотлар фаолият юритмоқда. Хунарманд усталаримиз яратилаётган имкониятлардан

унумли фойдаланган ҳолда йўқолиб кетган ёки унутилган миллий хунармандчилик маҳсулотларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантирган ҳолда келажак авлодларга бус-бутун етказиш ниятида тинимсиз ижод қилмоқдалар. Хунармандчиликнинг энг но-

зик турларидан ҳисобланмиш қандолатчилик, нонвойлик, ошпазлик ҳам санъат даражасига кўтарилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида "устоз-шоғирд" анъанавий мураббийлик институти янада ривожлантириш, шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

2-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

ПАРЛАМЕНТ
НАЗОРАТИНИНГ
КУЧАЙИШИФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ(Давоми.
Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палатасидаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида ушбу масалага тўхталиб, ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолиси сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти — давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш мақсадида қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Юртбошимиз ташаббуслари натижасида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонун қабул қилинди.

Энди, Конституцияга мувофиқ ҳукумат раҳбари номзодини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Бу бир қарашда сиёсий партиялар ўртасида рақобат муҳитини яратишдек туюлса-да, амалда, парламентнинг ижро ҳокимияти устидан назорат механизмларини янада кучайтишга имкон беради. Парламент фаоллашди, демек, бу унинг назорат фаолиятига ҳам ижобий таъсир этади. Қабул қилинган ўзгаришлар мамлакатимизда шу пайтгача қўлланилмаган яна бир амалиёт — "Ишонсизлик вотуми" билдириши жорий этмоқда. Таъкидлаш лозимки, мазкур механизм ривожланган мамлакатлар қонунчилигида қўлланилиб келади ва халқ вакиллиги органи — парламентнинг ижро ҳокимияти устидан назоратининг энг демократик усулларида бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепцияда илгари сурилган ғоялар ва қатор қонунчилик ташаббуслари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берар экан, мазкур жараёнда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши талаб қилинади. Зеро, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракцияси орқали ижро ҳокимияти фаолияти устидан "парламент назорати" олиб боришнинг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилди. Бу имкониятдан ҳар бир партия унумли фойдаланиб, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга интилиши лозим.

Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахсининг Конституция ва қонунда қафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўйбага чиқариш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси-



нинг сайловолди Платформасида муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан биз юртимиздаги ижодкор зиёлиларни, маориф, маданият соҳалари ходимларини, жамиятнинг бошқа қатламларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий-маънавий ва умминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувват-

лайдиган электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда парламент назорати функциясида самарали фойдаланишимиз лозим. Бунда электоратни ўйлантираётган муаммо ва масалаларни қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва парламент эшитувлари орқали ҳал қилиш партиянинг асосий вазифасидир. Шунингдек, парламент назоратини ташкил этишда электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ масалаларни давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда муҳокама қиляпмиз. Улар билан ўзаро битимлар имзоламоқда. Жумладан, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасы, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари "Хунарманд" уюшмасы, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Махалла" ва "Нуроний" жамғармалари, "Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар" жамоат бирлашмасы, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Полвонлар Миллий Энциклопедияси" жамияти, "Шахидлар хотираси" ва "Бобур" халқаро хайрия жамғармалари ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар ўзимизга хос, ўзимизга мос равишда, тадрижийлик асосида ҳалқимизнинг руҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Назорат — бу мамлакат бошқарувида парламент ва ижро ҳокимиятининг ўзаро тушуниш принципида иш олиб боришидир. Фуқаролик жамияти сари қадамнинг шу йўсинда ташла-ниши эса ҳалқимизнинг азалий қадриятларига мос тушади. Шу боис ислохотлар самараси давлат ва жамият бошқаруви фаолиятида қўтилган натижани бериши шубҳасиз.

У.ХАИТОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси(Давоми.
Боши 1-бетда)

Бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 25 фоизни ташкил этади. Инвестицияларнинг 72 фоизга яқини ишлаб чиқариш соҳасига, шу жумладан, 38 фоизи асбоб-ускуналар ва илғор технологияларни сотиб олишга йўналтирилган. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми эса 2,4 млрд. доллардан ошган.

Йиғилишда ҳисобот даврида Давлат бюджетининг харажат қисмида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тadbирларига 7 835,9 млрд. сўм ёки 2009 йилдагига нисбатан 3,7 фоизга кўп маблағ ажратилганлиги эътироф этилди. Таълим муассалари таъминоти ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 4 464,1 млрд. сўм ёки жами ижтимоий соҳага ажратилган харажатларнинг 57 фоизи миқдоридаги маблағ йўналтирилган бўлиб, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислоҳ қилиш дастурларида назарда тутилган харажатлар режалаштирилган маблағлар доирасида молиялаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, фракция аъзолари давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижросига ЎзМТДП сайловолди платформасида белгиланган вазифалар юзасидан ёндашдилар. Жумладан, давлат бюджетининг харажат қисмида ижтимоий масалалар, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи, стипендия, барча турдаги нафақаларни ўз вақтида молиялаштиришга, шу билан бир қаторда, бюджет маблағларини молиялаштиришда газна ижроси назоратини кучайтириш, барча бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш сингари масалалар депутатларнинг диққат марказида бўлди. Шунингдек, ўтган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда таълим соҳасини янада тараққий эттириш учун биринчи навбатда, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув масканларини бунёд этиш ва уларни илғор, замонавий воситалар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, депутатлар давлат томонидан ажратилаётган бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва бюджет интизомига риоя этиш устидан назоратни кучайтириш борасида ЎзМТДПнинг позициясини баён этди. Бу кўйидагиларда намёнён бўлди.

- бюджетдан маблағ олувчи вазир-

● ҚАДРИЯТ

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАЛАРИ

НОН ВА ШИРИНЛИКЛАР БАЙРАМИДА НАМОЁН БЎЛДИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Шу билан бирга жорий йилда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан Ўзбекистон "Ошпазлар" уюшмасы ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича имзоланган меморандум соҳа ривожини йўлида қилинган яна бир ижобий қадам бўлди.

"Ўзбек нонлари ва ширинликлари" халқаро фестивали юртимизда биринчи бор ўтказилмоқда. Тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси қoшидаги "Интурист-Тошкент" Давлат унитар корхонаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон "Ошпазлар" уюшмасы, "Тошкент-нон" нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасы, Республика "Ма-

● ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2010 ВА 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

лик, идоралар ва уларнинг тизимларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини ҳамда турли молиявий қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш зарур.

ЎЗМТДП дастурий мақсадларида алоҳида ўрин тутувчи ташкилот, муассасаларнинг асосан маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилишини инобатга олган ҳолда, уларнинг ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш даркор.

Президентимиз томонидан Концепцияда белгилаб берилганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг асосий эътиборини вилоят, туман ва шаҳарларда иқтисодий, муҳитни бозор талаблари даражасида ташкил этишга, яратилаётган имконият ва имтиёзларни изчиллик билан амалга оширишга, инвестиция муҳитини янада яхшилашга, қишлоқда кичик саноат негизини кескин ривожлантиришга қаратиш лозим.

- ички бозорни рақобатбардош ва

сифатли маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига сарфланаётган маблағлар самарадорлигини янада ошириш.

- илм-фан ва маданият ахборот технологиялари ва оммавий ахборот воситалари соҳаларини ривожлантириш учун сарфланаётган давлат маблағлари қандай натижалар бераётганини доимий равишда мониторинг қилиб бориш зарур.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида парламентнинг конституциявий ваколатларига мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилги ва 2011 йилнинг биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азиев маъруза қилди. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижросини назорат қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатла-

рининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, шу тўғрисида бу масала ҳар доим халқ вакилларининг диққат марказида туради. Ҳисоботлар барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисида, шунингдек, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида дастлабки тартибда муҳокама қилинди.

Маърузаларда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети илгари Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Бюджет жараёнида асосий эътибор Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим устуворликлари амалга оширишга қаратилди.

Ялпи йиғилишдаги муҳокамалар жараёнида ЎЗМТДП фракцияси аъзолари фракция позициясини изҳор этишди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

халқимизнинг нонга бўлган ҳурмат ва эҳтиромини миллатнинг номоддий маънавий мероси сифатида дунёга кенг тарғиб-таъшиқ қилиш, шу орқали республикамизга хорижий сайёҳлар оқими-ни кўпайтиришга ҳисса қўиш, қолаверса, юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодда миллий ифтихор туйғулларини кучайтиришдан иборатдир.

Кўргазмада "Энг яхши нонвой", "Энг яхши пазанда", "Энг яхши қандолатчи", "Унитилган таомлар", "Энг файзли дастурхон" каби номинациялар бўйича голиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир доирасида ижро этилган ўзбек мумтоз ашулалари, фольклор намуналари, эстрада мусиқаси ҳамда миллий рақслар йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Байрам иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик:

Озод МАТРАСУЛОВ,
ошпаз, ЎЗМТДП фаол аъзоси,
Хоразм вилояти вакили:

— Бугунги кўргазмада Хоразмнинг парҳез оши (палов) билан иштирок этаялман. Бундай тадбирлар биз каби ҳунар эгаларини янада масъулият билан ишлашга қорлайди, қолаверса, шоғирдларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Ақтам ТОШПЎЛАТОВ,
нонвой, ЎЗМТДП аъзоси,
Самарқанд вилояти вакили:

— Партия дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган мазкур кўргазмада бобо мерос нонларимизнинг 15 дан ортиқ тури билан иштирок этаяпмиз. Нонвойлик бизга ота мерос бўлиб, мен унинг тўртинчи авлод вакилимман. Тадбир биз каби ёш авлод меҳнати, "устоз-шоғирд" аънаваларини мустаҳкамлаш, рағбатлантириш ҳамда кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Эргаш ХЎЖАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбириЎЗБЕКСТОН
"MILLIY TIKLANISH"
DEMOKRATIK PARTIYASIЎЗБЕКСТОН
"MILLIY TIKLANISH"
DEMOKRATIK PARTIYASI2011
йилнингиккинчи ярим йиллиги учун обуна
бўлишга шошилинг!Нашр
кўрсаткичи
— 158

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Ўқув-семинарда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев маъруза қилди. Нотик давлатимиз раҳбари тақдир этган Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ҳаракат дастури ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятига кенг тўхталиб ўтди.

ЎзМТДП фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзоси Ж.Отахонов "Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзусидаги маърузасида мазкур соҳада қабул қилинган қонунлар тўғрисида сўз юритди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиб боришида сиёсий партияларнинг етук кадрлар захирасига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қ.Одиловнинг "Партия устави ва дастури талаблари асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилий-партиявий ва кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги маърузаси тингловчилар ўртасида қизғин муҳокама қилинди. Нотик партиянинг барча бўғинларида кадрлар салоҳиятини юксалтиришга кенг тўхтади.

Семинар қатнашчилари келгусида партия захира кадрлари ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган истиқболли режалар тузилди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузаси юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнини янги босқичга кўтариб, Ватанимизнинг кейинги истиқболлини, халқимиз фаровонлигининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Шу нуктаи назардан мазкур Концепциянинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унда илгари сурилган ғоя ва тамойилларни аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарғиб-ташвиқ этишда фаол қатнашиш ўзини шу юрт келажагига дахлдор деб билган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир.

Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ҳам қатор тадбир, давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, партиянинг барча ҳудудий ташкилотларида ушбу Концепцияда белгиланган устувор вазифалар асосида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари малакасини ошириш масалаларига бағишланган туркум ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Наманганда ЎзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилий-партиявий ва кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги маърузаси тингловчилар ўртасида қизғин муҳокама қилинди. Нотик партиянинг барча бўғинларида кадрлар салоҳиятини юксалтиришга кенг тўхтади.

Семинар қатнашчилари келгусида партия захира кадрлари ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган истиқболли режалар тузилди.

лари, ЎзМТДПдан халқ депутатлари Наманган вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Семинарни очган ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Икромжон Каримов давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган Концепцияда илгари сурилган ғоя ва вазифаларни мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишда юксак аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

— Партия фаолиятини янада такомиллаштириш, партия ходимларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, партия мафкурасини аҳоли орасида тарғиб ва ташвиқот қилиш механизмларининг назарий асосларини амалиётда тадбиқ этиш, бугунги кундаги дунёнинг мафкуравий манзарасини, жаҳонда шиддат билан кечаётган сиёсий-мафкуравий тенденциялар моҳиятини, партия ташкилотлари жамиятда қандай бўлиши кераклиги борадаги билим ва тушунчаларни кенгроқ тушунтиришга қаратилган мазкур ўқув-семинар ижобий самара бериши шубҳасиз, - деди нотик.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик жараёнларнинг янада чуқурлашиб боришида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутмоқда. Семинарда сўз олган ЎзМТДП МК раиси ўринбосари Ж.Сафоев Концепциядан келиб чиққан ҳолда энг аввало, партиянинг мафкуравий ва маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятини янада жонлантириш, партия мафкурасини янги маъна билан бойитиш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Концепцияда мамлакатимизни янги тараққиёт босқи-

чига олиб чиқиш юзасидан таъкид этилган қонунчилик ташаббусларининг долзарб аҳамияти, ҳаётимизда тугган ўрни, мазмун-моҳияти ҳақида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ЎзМТДП фаолларининг устувор вазифаларидан биридир. Мазкур жараёнда ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил бажариб бориш ҳамда партия электорати манфаатларини ҳокимиятнинг вакиллик органларида ифода этиш ва ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, партиянинг ҳар бир аъзоси ва барча даражадаги депутатларимиз олди-га янги аҳамият ҳамда сиёсий жараёнларда фаоллигини талаб этади, - деди партия раиси ўринбосари.

Семинар давомида тингловчилар барча мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу каби илмий-амалий семинар ниятда муҳим ва долзарблигини таъкид-лашди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан ушбу ўқувларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий минтақавий ахборот таҳлил маркази ташаббуси билан "Сиёсий партияларда кадрлар тизими сифатини янада такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда партиянинг вилоят Кенгаши аъзолари, туман ва шаҳар Кенгашлари Ижроия Кўмиталари раислари ва етакчи мутахассислар, жойлардаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Семинарни ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари А.Бобомуродова бошқарди.

Семинарда "Сиёсий партияларда кадрлар захирасини



шакллантириш масалалари", "Сиёсий партиялар кадрларининг малакасини оширишдаги вазифалар", "Кадрларнинг умумпартиявий ва минтақавий захирасини тайёрлашда ҳудудий ташкилотлар ва БПТга аҳамият қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар" ҳамда "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаолиятини такомиллаштириш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Дастлаб, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий минтақавий ахборот таҳлил маркази раҳбари Х.Раулов "Сиёсий партиялар фаоллари қўйилмайдиган замонавий талаблар" мавзусида маъруза қилди. Нотик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояси мужассам эканлиги, мазкур жараёнда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутиши, шу боис улар фаоллигини ошириш зарурлигига эътибор қаратди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Й.Жўлиев Президентимизнинг Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида белгилаб берилган мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги муҳим йўналишлар ва уларни ҳаётга татбиқ этишда ЎзМТДП ҳудудий

ташкилотлари, хусусан, Навоий вилоят Кенгаши олдида турган долзарб вазифаларга тўхтади.

— Муҳтарам Юртбошимиз тақдир этган Концепцияда илгари сурилган ғоя ва қонунчилик ташаббуслари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан ушбу Концепция партияимизнинг маҳаллий кенгашларидаги кадрлар тизими сифатини янада такомиллаштириш, сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда дастуриламал бўлмоғи лозим.

Тадбирда сўз олган ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси Девони раҳбари А.Ёрқулов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Концепцияда белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш, ЎзМТДПнинг барча даражадаги депутатлари ва фаоллари ташаббускорлигини ошириш масалаларига эътибор оларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, замонавий раҳбар кадрларни тарбиялашга йўналтирилган бу каби тадбирларни тез-тез ташкил этиш мақсада мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Семинар доирасида иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий иш олиб бордилар. Тадбир якунида иштирокчиларнинг фикр-

мулоҳаза ва таассуротлари билан қизиқдик.

Ғолиб НАЗАРОВ,
ЎзМТДП Навоий шаҳар
Кенгаши Ижроия
Кўмитаси раиси
ўринбосари:

— Ўқув-семинарда сиёсий партиялар кадрларининг ҳуқуқий билимларига қўйилган бугунги кун талаблари, ўтказилаётган тадбирлар ва ташвиқот ишларини ташкил этишда эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар, захира кадрлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш масалалари ҳақида мутахассислар томонидан маълумотлар берилди. Шу нуктаи назардан семинарда олган билим ва кўникмалар келгуси фаолиятимизда ҳар жиҳатдан асқотади, деб ўйлайман.

Дилафруз
БАХРИДИНОВА,
ЎзМТДП Навоий вилоят
Кенгаши "Ёшлар қаноти"
етакчиси:

— Семинар биз ёшлар учун ўзига хос сабоқ бўлди. Боиси бугун жамиятда ўз ўрнини эга, етук сиёсий кадр бўлишимиз учун нимага эътибор қаратишимиз лозимлигини билиб олдик. Сиёсий-ҳуқуқий билимдонлик, изланувчанлик, фаоллик, ташаббускорлик, самимият, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби фазилатларга эга бўлмасдан туриб, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаслигимизни англадик.

Камолитдин
САИДКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Қолаверса, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир ижроия ҳокимият вакилининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлайдиган турли фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жadal шаклланиш ва ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди.

Муҳтарам Президентимиз 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мавжуд қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул

қилиш вақти келганлигини таъкидладилар.

Ислохотларнинг бугунги ривож мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтиришга ҳамда сиёсий партиялар фаоллигига боғлиқ, десак адашмаймиз. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Ҳўш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашда сиёсий партиялар қандай ўрин тутмоқда? Сиёсий партиялар ўз электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган масалаларда қай даражада ташаббускорлик кўрсатмоқда?

Ана шундай саволларга жа-

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДАН ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

воб топиш, халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши фаолияти билан танишиш мақсадида туман ҳокимлиги ташкилий назорат бўлимига мурожаат қилдик. Маълумотларга кўра, 2010 йил январь ойидан то шу кунга қал депутатлари туман Кенгашининг 15 та сессияси бўлиб ўтган. Дарвоқе, 30 нафар туман Кенгаши депутатининг 13 таси ЎзЛиДеП, 9 таси ЎзХДП, 4 таси ЎзМТДП ва яна 4 таси "Адолат" СДПдан сайланган.

Сессияларда Президент қарорлари ва маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар, давлат дастурлари, Конституциямизга киритилган ўзгаришлар ва бошқа қўллаб масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинган. Ушбу йўналишда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиши депутатлар томонидан назоратга олинган. Эътиборлиси, сессияларда қўрилган масалаларнинг деярли 80 фоизи тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бўлса-да, бироқ ЎзЛиДеПнинг туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ўз электорати манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган бирор-бир масалани кўтариб чиқмаган. Зотан, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммолар йўқ эмас. Маса-

лан, Шофиркон туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг бизга берган маълумотига кўра, 2010 йилдан 2011 йилнинг 23 май кунига қадар 279 та юридик шахс мақомига эга бўлган қорхона ва 512 та якка тадбирдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган. Лекин, шу давр мобайнида 52 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатганлигидан ЎзЛиДеПчилар хабардормикан?

Дарҳақиқат, иш бор жойда камчилик ҳам бўлиши табиий. Сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро бегараз танқид, мавжуд камчиликларга эътибор қаратиш, соғлом рақобат аънава тусини олмақда. Инсоф юзасидан айтиш керакки, мазкур туманда бошқа партиялар ҳам ўз электорати манфаатларини буткул ҳимоя қила олаётти, деб бўлмайди. Хусусан, Шофиркон туман Кенгаши ва партиядан сайланган депутатлар ҳам ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда партияимиз электорати манфаатларини дадил ҳимоя қилишга қаратилган аниқ масалаларни сессия кун тартибига олиб чиқишда оғирлиқ қилишмоқда. Уларда ҳам ташаббускорлик, интилиш сезилмаётти.

Қиссадан ҳисса шуки, Юртбошимиз тақдир этган Кон-

цепция маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига улкан масъулият юклади. Бу эса эндиликда сиёсий партиялар, айниқса, уларнинг ҳудудий ташкилотларидан ўтказилаётган тадбирлар сони ва сифатини тубдан яхшилаш, жойларда ва электорат ўртасида партия мавқеини мустаҳкамлаш, партия ғоя ва мақсадларини кенг ва фаол тарғиб этиш, сайловчилар хоҳиш-истакларини ўрганиш, таҳлил қилиш, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан ташаббускорликни талаб этади. Қолаверса, бугунги кунда давлат Дастурлари ижросини таъминлашда депутатлик гуруҳларининг жамоатчилик назоратини олиб бориши, яъни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисоботларини эшитиш ва шу орқали аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини қўриши лозим.

Бу эса, жамоатчилик назоратининг шахс, жамият ва давлат алоқаларида ўзаро мувозанат, тенглик ва масъулият ўрнатувчи асосий омил эканлигидан далолатдир. Бунинг учун депутатларимизни қонунлар ижроси йўналишида янада қатъийроқ ишлашлари талаб этилади.

Маннон ОТАБОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БЕЛЛАШУВ

ЎзМТДП Бойсун туман Кенгаши, туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Йилнинг энг яхши ижодкори" кўрик-танлови ўтказилди. Унда ЎзМТДП Бойсун туман Кенгаши девони ходимлари, туман ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва халқ таълими бўлими вакиллари, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди.

ЁШЛАР

ҚАМОЛОТГА ПИЛЛАПОЯ ТАНЛОВ

Танлов низомига кўра мактаб, лицей ва коллежалардан сараланган ёшлар назм, наср, тасвирий санъат, публицистика, мусиқа ва хонандалик номинациялари бўйича туман босқичи ғолиблиги учун куч синашди.

Тадбир тумандаги ёш ижодкорларни маънавий қўллаб-қувватлаш, ажодлардан мерос маданий бойликларимизни асраш ва шу орқали келажақ авлодларига бекаму қўст етказиш ҳамда эртаимиз эгаларининг энг сара ижод намуналарини республика миқёсида тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ташкил этилди.

— Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, қолаверса, улар қалбида Ватанга садоқат, халқимизнинг миллий урф-одат ва аънаваларига ҳурмат туйғусини шакллантиришга қўмаклашишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг муносиб ўрни бор, - дейди хайъат раиси, шоир Ё.Норсаидов. — Аънавий тарзда давом этиб келаётган тадбирда иштирок этиб,

шунга амин бўлдимки, ўтган йилги нисбатан ёшларнинг кўрик-танловга қизиқиши сезиларли даражада ортган.

Якуний натижаларига кўра, "Назм" йўналиши бўйича ўз иқтидори ва жозибали шеърлари билан танлов ҳайъати қалбидан ўрин олган ёш шоир Ислон Амонтурдиев ҳамда Гулрухсор Рашидова биринчи ўринга муносиб деб топилди. "Наср" йўналишида эса биринчи ўрин 3-сонли мактаб ўқувчиси Зарина Сувоновага насиб қилди. Шунингдек, мусиқа, тасвирий санъат ва хонандалик номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб ташкилотлар ҳамда ҳомийлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сурхондарё вилоятига ҳос бўлган миллий қадрият, аънава ва урф-одатларини ўзидан мурасимлаштирган "Қуралдай" болалар фольклор этнографик халқ ансамблининг бадий чқишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



ҲУРМАТЛИ ПАРТИЯДОШЛАР!

2011
йилнинг

иккинчи ярим йиллиги учун обуна
бўлишга шошилинг!

Нашр
кўрсаткичи
— 158

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги кўп минг йиллик Ўзбекистон тарихига бурилиш нуқтаси бўлиб кирди. Ўзбекистоннинг совет империяси таркибидан чиқиб кетиши, мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши, эркин фуқаролик жамиятини қуриш сари дадил одимлари улкан ижтимоий ва тарихий ҳодиса.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ — ЯНГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ БОСҚИЧ

Мустақилликнинг йигирма йиллик тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, Президент Ислам Каримов ўзини "Мустақил Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли" номли маърузасида ушбу даврни иккига бўлиб, 1991-2000 йилларни ўтиш даври, 2000 йилдан кейинги даврни ривожланиш даври деб атади.

РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ — ТАРИХИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг иккинчи даври 2000 йилдан сўнгги 10 йилликни қамраб олиб, айна шу давр давлат ва жамият ҳаётида, одамлар турмуш тарзида, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида ўзига хос босқичма-босқич ривожланиш даври ҳисобланади. Чунки худди ана шу даврда мустақилликнинг олдинги 9 йили мобайнида яратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ижтимоий ва маънавий тараққиёт асослари янги замонавий тажрибалар билан бойитилиб, унинг эволюцион ривожланишига эришилди. Бу борада қуйидагиларни алоҳида эътироф этиш мумкин:

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Давлат бошқарувини демократлаштириш бу бевосита фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятига нечоғлиқ иштироки билан боғлиқ. Ана шу жиҳатдан қараганда, фуқароларнинг бошқарув тизимига муносабати, унга бевосита ва билвосита иштирокини таъминлаш бошқарувни демократлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ана шу тамойилдан келиб чиқиб Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида

кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Жумладан, қонунчилик ҳокимияти тубдан ислоҳ қилинди. Бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтилди. Олий Мажлисининг конституцион ваколатлари кенгайтирилди. Олий вакиллик органи сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувига таъсири оширилди. Бошқача қилиб айтганда, парламент назорати босқич-босқич кучайтириб борилди.

Сиёсий партияларни жамият ҳаётидаги ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштиришдаги иштироки ва самарадорлигини оширишдаги имкониятлари кенгайтирилди. Парламент таркибидagi партия фракциялари ваколатлари оширилди. Фракция раҳбарларига спикер ўринбосари мақоми берилди. Фракцияларнинг ижро ҳокимияти ва давлат бошқаруви фаолиятини назорат қилиш имкониятлари кенгайди. Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ҳамда Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига жиддий ўзгаришлар киритилди.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Ислохотларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатида Президент Ислам Каримовнинг ислохотларни эволюцион йўл билан амалга ошириш тамойили суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда тўла амал қилди. Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли

ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Агар 2000 йилда суд ҳатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатиш берилса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқий билими ошганлигидан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш қобилияти ривожланаётганидан далолат беради.

2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари спикер ўринбосари мақоми берилди. Фракцияларнинг ижро ҳокимияти ва давлат бошқаруви фаолиятини назорат қилиш имкониятлари кенгайди. Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб ҳамда Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига жиддий ўзгаришлар киритилди.

Маъмур ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш

Маъмур ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш

Ўзбекистонда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, факат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Бу Ўзбекистонда инсоннинг яшаш ҳуқуқи тўла қафолатланганлигини, у юксак қадрият мақомига эгалигини кўрсатади.

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, «Сайловчилар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги ҳамда янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари-га сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожда 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланди. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари низоҳатда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатадаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Иқдор» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари фаол ишламоқда.

Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари

тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси ривожланиш даврининг муҳим воқеалигидир. Иқтисодий тараққиёт борасида эришилган ютуқларимиз бугун дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни, унинг таркибий тузилишини мутасил такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Чунки дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти энг аввало унинг иқтисодиёти рақобатга қанчалик дош бериши билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардорлик даражаси унинг таркибий ресурси, инсон омили ва малакавий даражаси, ишлаб чиқаришнинг модернизациялаштирилиши, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллаштирилиши, давлатнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги билан боғлиқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида ёқилғи-энергетикага бўлган эҳтиёж тўла таъминланмоқда. Агар 1990 йилда мамлакатимизда 2 миллион 810 минг тоннага яқин нефть ва газ конденсати ишлаб чиқилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 4 миллион 500 минг тоннани ташкил этди.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Йигирма йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари ўсиши эса 3,8 баробарни ташкил этди.

2008-2010 йилларда жаҳон молиявий инқирози авж олган бир пайтда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлатнинг аҳолига яхши ҳаёт

фаолияти учун берадиган шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли қафолатлар тизимидир. Бошқача айтганда, ижтимоий муҳофаза тизими бозор тизими самарадорлигининг тор тасаввурларидан эмас, балки ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самарадорлиқни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий муҳофаза ўзи амал қилиб турган ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидан, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати имкониятларидан кенг фойдаланади ва ҳозирги замон талаблари асосида ривожланиб бормоқда.

ХОТИМА

Мустақиллик шароитида миллий раванқи, умумбашарий тараққиётга туртки бўладиган жиддий ўзгаришлар юз берди, умуминсоний қадриятларни янгидан-янги неъматлар билан бойитадиган туб бурилишлар вужудга келади.

Халқимиз ўзининг кўна тарихида Уйғониш ҳодисасининг турли шакллари билан кўрган. Жумладан, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа ўнлаб улуг бобоқалонларимиз номи билан боғлиқ бўлган IX-XII аср Уйғониш даври туронзамин халқлари тарихидаги **биринчи Ренессанс** ҳодисаси бўлди.

Соҳибқирон Амир Темури ва темурийлар номи билан боғлиқ бўлган қарийб 500 йиллик давр аждодларимиз ҳаётидаги иккинчи Уйғониш даври, миллий тикланиш, миллий тараққиёт палласи бўлиб тарихда абадий қолди. Бу **иккинчи Ренессанс** ҳодисаси жаҳон фани, маданияти, умуминсоний қадриятларни олиймақом даражада ўзига мужассам этган миллий давлатчилик ва бошқарув тизимининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган буюк воқеалиқдир.

Миллий уйғониш, Миллий ўзлигини англаш мустақиллик берган буюк неъматдир. Айна ана шу туфайли миллият қаддини ростламоқда. Қадимий, асрлар мобайнида тўплаган нуфузини қайтадан тикламоқда. Дарҳақиқат, ҳамиша уйғоқ халқ яратувчилиқка, бунёдкорлиқка қодир бўлади. У ўз имкониятларини тобора бойитиб боради. Ана шу нуқтаи назардан айтишимиз мумкинки, Мустақиллик, Истиқлол тушунчалари ва бевосита унинг ташаббускори Ислам Каримов номи билан боғлиқ бўлган **учинчи Ренессанс** даври бошланди. Албатта, бундай миллий тараққиёт бир неча ўн йилликлар ва ҳатто, асрларни қамраб олади. Бироқ шуни ишонч билан айтиш мумкинки, XXI аср Ўзбекистон халқлари ҳаётида янги цивилизация босқичи бўлиб қолади.

Нарзулла ЖўРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

АООТ "ҚЎҚОН НЕФТЬГАЗ ПАРМАЛАШ ИШЛАРИ" ЖАМОАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча журналистларни, матбаачиларни

27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан муборакбод этади.

ОИЛАВИЙ БАХТ, СОҒЛИК, ОМАД СИЗЛАРНИ ТАРК ЭТМАСИН.

МАЪНАВИЯТ

● КЎРГАЗМА

“ДИЛ ИЗҲОРИ”

ДИЛШОД ЭШМАТОВНИНГ НАВБАТДАГИ ШАХСИЙ
КЎРГАЗМАСИ ШУНДАЙ НОМЛАНДИ



эмас. Чунки ижодкор ўз олди-даги манзаралар, қиёфаларни чизар экан, уларни бадий тафаккурдан ўтказиб, соғинч уфуриб турган бўёқларда ифода этишга ҳаракат қилади. Дилшод Эшматов қайси жанрда ишласин, у ҳар бир асарига ўзининг қалб кўрини, мухаббатини, соғинччини беришга интилади.

Дилшоднинг ижодий ишлари республика миқёсидаги қатор кўргазмаларда, жумладан, 2004 йил “Ёшлигим — олтин даврим”, 2006 йил “Карвонсарой” халқаро маданият саройида, 2009 йил “Натюрморт”, 2010 йил “Ватаним пейзажлари” кўргазмаларида номийиш этилган. Асарларининг самимийлиги ва рангларнинг ёрқинлиги диққатингизни жалб этади. У таъсирчан рангтаъсир асарлар яратиш учун тинимсиз изланди, ўрганди, сабоқ олди. Ҳар қандай ижодкор ҳам муттасил изланишлари натижасида ўз маҳоратини юксалтиради. Д.Эшматов картиналари энгил ва нозик услубда ишланган бўлиб, ўзига хослиги, фантазияга бойлиги билан ажралиб туради. Унинг асарлари Россия, Туркия, АҚШ, Швейцария, Япония, Хиндистон каби мамлакатларда ушатирилган шахсий кўргазмалардан жой олган.

Дилшод Эшматовни Фонд Форум кашф этган ноёб ис-теъдод эгаси деб айтишимиз

мумкин. У 2006 йилда “Навқирон Ўзбекистон” анъанавий ва замонавий санъат фестивалида иштирок этиб, “Санъатда анъанавий шакллари сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қўшган ҳиссаси” номинациясида ғолиб бўлди. Қолаверса, 2008 йилда ҳам мазкур фестивалда катнашиб, совринли ўринга лойиқ топилди. 2007 йил Ўзбекистон рассомлар ижодий уюшмаси, 2009 йилдан эса “Ijod” рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари ассоциацияси аъзоси ҳисобланади.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси юртимизда Дилшод сингари истеъдодли ёшларни доимо қўллаб-қувватлаб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб келади. Рассомнинг 2005 ва 2009 йилларда Москва шаҳрида шахсий кўргазмасини ўтказишида ҳам Фонд Форум катта кўмак берди. Асосий ташкилотчи бўлди. Миллий санъат марказида ўтказилаётган бу йилги шахсий кўргазмасини рассом мустақиллигимизнинг кутлуг 20 йиллигига бағишлаб тайёрлади. Ундан ёш рассомнинг 90 дан ортиқ турли мавзудаги асарлари ўрин олган. Дилшод ҳамма нарсага қизиқтирилган шахсий кўргазмалардан жой олган.

Дилшод Эшматовни Фонд Форум кашф этган ноёб ис-теъдод эгаси деб айтишимиз

интилади. Олис қишлоқларга бориб портрет ва манзаралар ишлашдан завқланади. Масалан, “Чироқчи қишлоғи”, “Эски уй”, “Учок”, “Филон қишлоғи”, “Манзара”, “Кумуш портрети”, “Туш” асарлари ана шундай сафарлар натижасида яратилган. Мусаввирнинг майин лиризм, ўзига хос ифода ва шоирона кайфиятда чизилган кўлаб портретлари ҳар қандай кишининг эътиборини тартади. Биз кўргазмага ташриф буюрган меҳмонларнинг фикри билан қизиқдик.

Нигора АХМЕДОВА,
санъатшунослик фанлари доктори:

— Дилшод Эшматов 2000 йилларда ижодга кириб келган энг истеъдодли ёшлардан бири. Менинг фикримча кўлаб йўналишларда ижод қила олади. Айниқса, портрет жанрида. Сўнгги йилларда камдан-кам ижодкор ушбу жанрга мурожаат қилмоқда. Дилшод ўзининг ҳис-туйғуларини эркин, ёрқин ранглар уйғунлигида ифода қилади. Лирик асарлари жуда кўп. Уларда шоирона композиция бор, стилистик жиҳатдан ҳам юқори. Масалан, “Соғинч” асари. Бу асарнинг аллақандай сири, маъноси бордек. Рангларни ўзаро уйғунлаштириш олган, уларга жонли рақиб билан билган. Ундан бундан-да яхши картиналарни кўтиб қоламиз.

Ҳаким МИРЗААХМЕДОВ,
рассом, ранг тасвирчи,
Республика рассомлик коллежи катта ўқитувчиси:

— Рассом ўзининг ҳар бир ишида миллийлигимизни ёрқин рангларда ифода қилган. Портретларида одамларнинг характерини сезиш мумкин. Руҳий жиҳатдан кучли. Дилшод ўзининг Диплом иши учун тарихий мавзунини танлаган. Жалолддин Мангуберди образини яратган. Асарни кўриб барчамиз ўрнимиздан туриб қарсак чалиб юборганимиз эсим-

да. Бундай шогирдим борлигини тўғриси фахрланаман.

Мираббос МИРЗААХМЕДОВ,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр:

— Дилшоднинг шахсий кўргазмасида 3-маротаба катнашаётган. Бугунгисини истиқлолимизнинг 20 йиллиги олдидан ўтказилаётган ўзига хос кўргазма дейиш мумкин. Унинг асарларида ўзбекона урф-одатлар, анъаналар, миллийлик кўзга ташланади. Улар биринчи планга олиб чиқилади. Қишлоққариялари акс этган портретлар кўргазма иштирокчиларини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Асарлари нозиклиги билан ажралиб туради. Ҳатто, майда гулу чечакларини ҳам ўз ҳолича, рангича тасвирлай олган. Унда табиатга муҳаббат кучли. “Тошкент — она шаҳрим” туркумидаги асарлари менга маъқул келди.

— Мустақиллик, истиқлол ижод қилишига шундай имкониятлар берди. Ҳали росмане рассом бўлганим йўқ. Ҳали Ватан олдидаги қарзим жуда кўп, — дейди Дилшод Эшматовнинг ўзи.

“Дил изҳори” кўргазмаси 15 июлга қадар давом этади. Сиз ҳам келинг. Ёш иқтидор эгасининг дил изҳорлари шунчаки эмаслигига, у юрак-юракдан чиқаётганига гувоҳ бўласиз. Ёш рассомнинг ижодий фаолияти, кенг қамровли изланишлари унинг маҳорати тобора ўсиб бораётганидан ва ўзига хос дунёси борлигидан далолат беради.

Эркин ЙЎЛДОШ,
“Milliy tiklanish” мухбири



Энг улуғ, энг азий байрамимиз мустақил-ликнинг 20 йиллигига бағишлаб 15 июндан бошлаб пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ijod” Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ташаббуси билан истеъдодли рассом, “Навқирон Ўзбекистон-2006” анъанавий ва замонавий санъат фестивали лауреати Дилшод Эшматовнинг “Дил изҳори” деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Экспозицияга рассомнинг 90 дан ортиқ асарлари қўйилган.

Ўзбекистоннинг гўзал табиати, одамлари, шаҳару қишлоқлари, яқин кишилари Дилшод Эшматов ижодининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Аслида ижодкор, айниқса, рассом учун мавзунинг долзарблиги унчалик муҳим эмас. Чунки, ижод қалб эҳтиёжи, ид-рок тўлқинларидан туғилади, дейишади. Нима бўлганда ҳам томошабинни фақат мавзу эмас, балки, унинг бадий тап-қини, ижодкор маҳорати, асардаги ранг жилвалари, чизгилар жонлилиги қизиқтиради. Рассом асарларидаги мавзуларнинг бир-бирига яқинлиги, ўхшашлиги шунчаки тасодиф

● СОҒЛИГИНГ-БОЙЛИГИНГ

Истиқлол йилларида оила турмуш тарзини соғломлаштириш, репродуктив маданият, соғлом она ва соғлом фарзанд тарбияси, давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Айниқса, ҳомиладор аёлларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ВАРИКОЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Бўлажак фарзанднинг соғлом бўлиб туғилиши учун ҳомиладор аёл муайян қоида ва талабларга риоя қилиши шарт. Чунки бу нозик даврда аёлларимизни қийнайдиган ҳолатлардан бири варикоздир. Бу ҳасталик нафақат оёқларнинг ташқи кўринишини бузади, балки кучли оғриқ ҳам бевозта қилади.

Варикоз атамаси латинчадан олинган бўлиб, “туғун”, “шиш” маъноларини анал-тади. Томирларнинг варикозли кенгайи-ши — бу қон томирларининг бўртиб, тери остидан гадир-будир кўринишидир. Вена томирларининг тартибсиз кенгайиши ва қон томирлари деворларининг юпқала-шуви билан кечади ва асосан ҳомиладор-лик вақтида бошланади. Чунки, айнан шу даврда онанинг қоринида боланинг ўсиши туфайли бачадон ҳажмининг катталашу-ви, вена қон томирларидаги айланаётган қон микдорининг икки мартагача кўпайи-ши ўз навбатида веналарда қон босими-нинг ошишига олиб келади.

Доимий кўп ўтиришдан, шунингдек, тик туришдан оёқдаги қон ҳаракати секинла-шади, венадаги босим ошади, натижада, бунақа “юк”ни томир ушлаб туролмайди ва шишади. Варикоз касаллигининг илк белгиси “оғир оёқлар”, яъни оёқларнинг оғирлашишидир. Қон охирига бориб тери ости веналарининг бўртиб чиқиши, бол-дир ва товоғлардаги шишларнинг пайдо бўлишини эътибордан қочирмаслик зар-рур. Жарроҳ ёки флеболог (вена қон то-мирлари бўйича мутахассис) қабулига боргунга қадар касалликнинг олдини олиш шарт. Чунки самарали даволаш касал-

лининг қанчалик авж олгани ва тарқалиш даражасига боғлиқ. Бошланғич даврда ва жиддий авж олмаган пайтида (сон ва болдир қон томирларида кичик кўкимтир-қизғиш тусдаги юлдўчаларнинг пайдо бўлиши, тим қора веналарнинг яққол кўриниб қолиши) ҳар қуни эрталаб оёқлар-ни эластик бинт билан ўраш ёки болдир учун махсус пайпоқлар кийиш мақсадга мувофиқ. Веналардаги шишлардан тугун ва бурмаларнинг ҳосил бўлиши касал-лининг жиддий тус олганини билди-ради ва бундай ҳолатда фақат жарроҳлик усули билан ёрдам бериш мумкин.

Агар ҳомиладорликкача аёлда наслий ортиқча вазн муаммоси ёки веналарнинг варикоз кенгайиши кузатилмаган бўлса, ҳомиладорлик вақтида бу касалликнинг олдини олиш унчалик қийинчилик туғди-рмайди. Лекин кейинги ҳомиладорликлар-да веналарнинг варикоз кенгайиши ҳав-фи ортиб боришини ҳам унутмаслик ке-рак. Айниқса, ондан болага ўтган вари-кознинг ўз вақтида аниқланиб, олди олин-гани маъқул.

Замонавий тиббиёт томирларнинг ва-рикозли кенгайишини даволаш борасида турли хил самарали муолажаларни та-всия этади. Булар — анъанавий жарроҳ-лик, склеротерапия, лазер жарроҳлиги, эластик компрессия ва фармакотерапия-дир. Муолажа тури касаллиқни даволаш-да индивидуал ҳолда танланади.

Умида АШУРОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси
даволаш факультети
7-курс талабаси


Qishloq Qurilish Bank

Очиқ акциядорлик тижорат банки
“Қишлоқ қурилиш банк”

27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини
касб байрами билан муборакбод этади ҳамда ишларига

омад ва сихат-саломатлик тилаб қолади.

Банкнинг “VISA Classic” карталари тўловларнинг
қулай ва замонавий воситаси.



Қишлоқ қурилиш банк - фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-93-39, 150-39-93

e-mail: info@qqb.uz
www.qishloqqurilishbank.uz

МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ

“Шоҳнома”нинг бир ўзбекча классик таржимаси ҳақида” мавзусидаги номзодлик илмий ишимни ўйланма билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг манбашунослик ва матн-шунослик бўлимига олиб бордим. Фанимизнинг фидойи дарғаси, машҳур навоийшунос Ҳамид Сулаймон илиқ кутиб олдилар-да, сўрадилар:

- Бугун ҳафтанинг қайси куни?
- Бугун чоршанба, устоз, — дедим.
- Ундай бўлса, келаси чоршанба куни диссертаци-янгизнинг муҳокамасини уюштирамиз, тайёрланиб келинг, — дедилар қатъий оҳангда.

Ҳақиқатда ҳам айтган кунларида муҳокама бўлди. Бўлим ходимларидан беш киши сўзлаб, илмий ишимни жиддий таҳлил қилишди. Устознинг ўзлари ҳам гапир-дилар ва диссертация ҳимоя-га тавсия этилди. Баъзан тадқиқотчиларнинг муҳокама-си ойлаб чўзилиб ётадиган ташкилотда диссертациям-нинг яшин тезлигида ўқиб, чиқилиб, ижозат берилиши мени тўлқинлантириб юбор-ди. Устознинг хузурига кириб кўз ёшларим билан миннатдорчилик изҳор этдим.

— Сизга омад тилайман. Домлангиз Натан Муродович-га мендан салом айтинг. Садоқатли шогирдлар кўпай-са, устозлар қалами ерда қолмайди, — деб кетишга изн бердилар.

Замонамиз алломалари орасида шундай зотлар борки, жилд-жилд асарлар яратиб, фанимизнинг у ёки бу соҳаси-ни назарий ва амалий жиҳат-дан бойитадилар. Лекин улар қаторида шундай инсонлар ҳам борки, умр бўйи изланиш-да бўлиб, янги-янги ихтиролар яратадилар, ҳамиша янгилик топиш, маънавиятимиз зарва-рақларини кашф этиш пайи-да бўладилар. Ҳамид Сулай-мон ана шу иккинчи тоифа сирасига қирадиган ўта жасоратли донишмандлардан эдилар. Ленинграддагидаёқ Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонанинг кўлёмалари бўлимида ўзбек адабиёти тарихига, жумладан, Алишер Навоий меросига доир кўлаб китоблар мавжудлигини аниқлаган Ҳамид Сулаймон ноҳақ бўхтондан оқлангач (1955) машҳур шарқшунос Е.Бертельс маслаҳати билан асосий эътиборини Навоий ижодини ўрганишга қаратди. Тошкент, Москва, Ленинград, Душанбе, Қозон шаҳарлари кўлёмза фондларида сақла-наётган Навоий асарлари нусхаларини аниқлаб, улардан кўчирма олишга эришди, ўз диққатини Навоий лирик кулётининг танқидий матни-ни яратишга қаратди. У ишга Ленинградда сақланаётган “Ҳазойин ул-маоний”нинг энг тугал нусхаси асос қилиб олинди, 20 та кўлёмза қиёс-лаб чиқилди. Бу билан қаноат-ланмаган олим Оксфорд университетининг Бодлеан кутубхонасидаги, Лондоннинг Британия музейи, Париж миллий кутубхонаси, Нью-Йорк Метрополитен музейла-рида сақланаётган Навоий лирикаси кўлёмзаларидан фотонусхалар олишга муваф-фақ бўлди, “Девони Фоний”-нинг Париж кутубхоналарида сақланаётган асл нусхаси кашф этилиб, бир нусхаси Ватанимизга келтирилди.

Узлуксиз меҳнат, уйларида-ги фотолабораториядаги кунни тунга улаб чекилган заҳмат, аниқ жадвал асосида игна билан қудуқ қазигандай фидойи меҳнат ўз ҳосиласини берди: 1956-1960 йиллар орасида “Ҳазойин ул-маоний” тарихида илк бор тўрт китоб шаклида нашр этилди; устоз Навоий лирикасининг текстоло-гик тадқиқоти бўйича докторлик диссертациясини (1961) ҳимоя қилдилар; Ўзбекистон Фанлар академиясининг Адабиёт музейини ташкил этишга муваффақ бўладилар; шахсан у кишининг ташаббуси билан “Адабий мерос” илмий журна-ли нашр этила бошланди.

Устоз энди ўзбек маънавия-ти ва адабиёти инжуларини излаб Шарққа юзландилар: Афғонистонда бўлдилар; шогирдлари Саидбек Ҳасанов билан бирга икки марта узоқ муддатли Хиндистон илмий сафарига бўлдилар. Дехли, Сингапур, Лаҳна, Агра,

Олигарх, Ҳайдаробод, Бомбай ва бошқа шаҳарлардаги кўлёмзалар хазиналари билан танишдилар ва кўлаб туркий ҳамда форсий тилдаги асар-ларнинг камёб нусхаларини илм-фанга маълум қилдилар. Жумладан, ана шу сафарлар жараёнида ҳали ўзбек адабиё-тшуносларига нотаниш бўлган Ҳофиз Хоразмийнинг девони, Саид Қосимий маснавийлари, Соиб Табризий кулётини, Исмоил Жўзжонийнинг “Заҳи-рай Хоразмшоҳий”, Комрон Мирзо девони, “Бобурнома”-нинг илмдаги ноёб нусхалари аниқланиб, микрофильмлари-ни кўлга киритишга эришилди. Ўша йиллари Ҳамид Сулаймон ва шогирдларининг савъ-ҳаракатлари билан “Девони Фоний”, Ҳофиз Хоразмий девони, Саид Қосимийнинг “Гулшани роз” ва бошқа маснавийлари Ўзбекистонда илк маротаба чоп этилди ва улар асосида илмий тадқиқот-лар яратилди. Ана шу жараён-да олим “Акбарнома”нинг нодир нусхасини, Низомий “Ҳамса”сининг Навоий замо-нида кўчирилган безакли дастхатини, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Яқиний асарларининг мажмуасини, Убайдий девони кўлёмалари-ни ҳам аниқлаб, кўлга кирит-ган. Қувонарлиси шундаки, Низомий асарининг ана шу нусхасига Беҳзод ва унинг шогирдлари миниатюра чизилган экан.

Илмий сафарлар даврида Ҳамид Сулаймон туркий тилни тадқиқ қилиш билангина чегараланиб қолмай, Беҳзод, Муҳаммад Мурод Самарқан-дий, Нодир Муҳаммад Самар-қандий, Дорошқуҳ сингари чеҳрақушлар ҳаёти, мероси, сафавийлар даври тасвирий санъати, умуман, Шарқ миниатюра санъати неъмат-лари билан ҳам қизиқиб, улардан ҳам фотонусхалар олишга эришдилар. Кейинча-лик ана шу бир неча йиллик изланишлар натижаларини рафикалари, профессор Фозила Сулаймонова билан ҳамкорликда “Бобурнома” миниатюралари”, “Низомий “Панж Ганж”ига чизилган миниатюралар”, “Навоий асарларида чизилган мини-атюралар”, “Хисрав Деҳлавий асарларида чизилган мини-атюралар” номи билан бир неча мураққаъ-альбом шакли-да илм-адаб аҳли ҳужмига ҳавола этилди. Энг муҳими шундаки, бу нашрларни жаҳон санъатшунослари янги каш-фиёт сифатида пешвоз олдилар, эътироф этдилар.

Ўзлари топиб нашр этир-ган барча асарларга муқадди-ма, сўнгсўзлар ёздилар, илмий изохлар, лугатлар туздилар. Маълумки, 1968 йили буюқ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 525 йиллиги жаҳон бўйлаб нишон-ланди. Ана шу муносабат билан шоир асарларининг ўзбек тилида 15 жилддиги чоп этилган эди. Ҳамид Сулаймон ушбу нашрларни ташкил қилишдан ташқари бир неча жилдини ўзлари тайёрлади-лар, баъзиларига ўзбек ва рус тилларида муқаддималар ёздилар, шоир ҳикматлари-нинг бир неча жилди нашр этилишига бош-қош бўлдилар. Ана шундай. Богни биров бунёд этади. Кейинги авлод-лар унинг файзидан, мевала-ридан баҳраманд бўлади. Ҳозирги замон фанимиз алломаси Ҳамид Сулаймон дунё бўйлаб юриб тўпланган маънавиятимиз зарварақла-рини ҳамон ёш тадқиқотчилар очиб кўриб, ундан ўзларига яраша неъматлар териб, руҳан озикланиб, устозни ўқилар билан ҳамроҳ қилиб юрибдилар.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

КЎЗГУ

● АНЪАНА

ОТ СПОРТИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНГ ОММАЛАШГАН
ТУРЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА(Давоми.
Боши 1-бетда)

Зеро, ҳозир ҳам жойларда умумхалқ байрамларимиз кўпқаридай ҳалол ўйинларсиз ўтмайди. Айниқса, тоғли ҳудудларда ҳар бир хонадонда кўпқари чопадиган отларни сақлаш, унинг наслини яхшилашга жиддий эътибор берилади. Халқимизнинг мард, чапдаст, бақувват ўғлонлари орасида номдор полвонлар етишиб чиқмоқда.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Марказий ипподром" ОАЖ от спортининг асосий базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши талантили ёшларни етиштириш, от спорти мактабини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 1993 йилда Осиё ва Жаҳон от спорти федерациясининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистон от спорти ва йилкичилик Федерацияси жаҳон кубоги мусобақаларида муносиб иштирок этмоқда. Боз устига юқори самарадорлик билан ишлаётган "Ўзбекистон" от спорти корхонаси пойтахт ҳудудида қарийб 200 бош отларни парвариш қилаётир.

Жиззахда бир неча йил аввал ишга туширилган Жиззах отчопарида ҳам миллий спорт турларидан бири — кўпқарини оммалаштириш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Бу ерда ҳар йили декабрь-март ойларида кўпқари бўйича вилоят чемпионати, от спорти мусобақалари мунтазам ўтказиб келинади. Яқинда ўтказилган мусобақада ўсмирлар 115, 125 ва 130 см. баландликдаги тўсиқлардан сакраш бўйича ўз

имкониятларини синаб кўришди. Маълумки, Жиззах қадимдан чопқир қорабайирлари билан машҳур бўлиб келган. Бундай зотдор отларни кўпайтириш ишлари ҳозир Жиззах туманидаги кўпқари наслчиликларида йўлга қўйилган. Чунки мамлакатимизда от спортининг ривожланиши билан қорабайир отларга бўлган талаб ҳам ўсиб борапти.

— Туркий халқлар эпоси ва мифологияси анъаналарига кўра, отлар қаҳрамоннинг яқин дўсти ва ёрдамчиси саналган, — дейди фарғоналик чавандоз Воҳиджон Сотибоддиев. — От — йигитнинг қаноати деган нақл бежиз тўқилмаган. Қадимги туркийлар вафот этган кишининг оти ва эгар-жабдуқларини ёқиб қулини марҳум ортидан олиб боришган. Отнинг тақаси барака рамзи сифатида остана эшигига қўқиб қўйилади. Янги туғилган чақалоққа қўйлагини кийдиришдан олдин уни от қозигига кийдириб олишади. Отнинг бошига қамчи билан уруш гуноҳ саналган. Халқ орасида Ғуруғнинг оти Фирот, Алпомишнинг оти Бойчиборга бағишлаб термалар ижро этилган. Шерободда "Алпомишнинг отининг охури", «Бойчиборнинг изи» деб аталадиган жойларнинг мавжудлиги ҳам қадимги аجدодларимизнинг отга нисбатан алоҳида меҳр билан муносабатда бўлганини билдиради.

Зотдор қорабайирлар азалдан юртимиз ифтихори бўлиб келган. Бундай отлар жаҳон бозорида анча юқори баҳоланади. Бироқ қорабайирларга ўз вақтида эътибор сусайганлиги боис, улар камайиб кетганди. Эндиликда бу отларнинг қадри яна тикланмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги фермер



Мазкур мусобақада ғолиб чиқиб кўп жиҳатдан саман отининг қандай парвариш қилингани, тайёргарлигига боғлиқ. Чавандоздан эса уни бошқаришда адашмаслик, чапдастлик талаб этилади.

хўжаликлари ва аҳолининг қўлида қарийб 100 мингдан ортиқ от парваришда. Отлар сонини кўпайтиришда от наслчилигига ихтисослашган алоҳида хўжаликлар фаолият юритмоқда.

Ҳозирги кунда отларнинг тез чопиши, иссиқ ва совуққа бардош бериши Бойчиборнинг хислатларига ўхшаб кетади. Бироқ қалмоқ синчиси унинг олд оёқлари орасида иккита етти газлик қаноти бор, деган афсонавий таъриф келтиради. Ажабланарлиси, бугунги кунда маҳаллий ишчибозлар йилки танлашда шунга ўхшаш бир жиҳатга эътибор қаратишда. От билан дўстлашган киши

унинг тилини тушунади, феълини яхши билади. Бу хусусият зийракликини шакллантиради. Шу боис, халқимиз синчиларни қадрлаган. Улар тилсиз жониворнинг яхшисини ажрата олган, қулунинг келажагини олдиндан кўра билган. Отга тақдирини боғлаган бундай кишилар бугун ҳам бор.

Одатда, от спорти мусобақасида ғолиб чиқиб кўп жиҳатдан "тойчоқ"нинг қандай парвариш қилингани, тайёргарлигига боғлиқ. Чавандоздан эса уни бошқаришда адашмаслик, чапдастлик талаб этилади. Бошқача айтганда, от билан дўстлашмиш, унинг ҳар бир ҳаракатини тушуниш муҳим аҳами

ятга эга. Хорижий мутахассисларнинг фикрларига кўра, бугунги кунда халқаро ареналарда ўзбекистонлик ёш талантили спортчиларнинг моҳир ижролари, айниқса, саман отларнинг хатти-ҳаракатлари тез-тез кўзга ташланмоқда. Натижада аксарият халқаро мусобақаларда ўзбекистонлик спортчиларнинг юқори ўринларини қўлга киритиши одатий ҳолга айланган. Шу жиҳатдан бўлса керак, халқаро ассоциация вакиллари келгуси йилги жаҳон чемпионати Тошкентда ўтказишни режалаштиришмоқда. Демак, "улоқ" Ўзбекистонга кетди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ОИЛА —
БАХТ КОШОНАСИ

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини камол топтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни кенг жорий этиш каби долзарб масалалар давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидир.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислохотлар фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини шакллантирмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири фарзандларимизни баркамол авлод қилиб тарбиялаш, оилавий муҳитни соғломлаштиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Мамлакатимизда тобора кенг қўлоч ёзаётган "Соғлом она — соғлом бола" дастурининг тереин маъно-мазмун касб этишининг боиси ҳам шунда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу борада Пешку туманида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ФХДБ бўлимлари туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидида 25 та ҚВП, репродуктив саломатлик ва оила маркази, хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИХ, туман халқ таълими бўлими, маҳалла йигитлари, диний-маърифат, ахлоқий тарбия маслаҳатчилари билан ҳамкорликда "Оила довулфунуни", "Ёш оила қурувчилар мактаби" каби тадбирлар ўтказиб келяпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Соғлом авлоднинг шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича чоралар тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлоднинг вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қароридида кўзда тутилган мақсад, уларнинг мазмун-моҳияти ва бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти хусусида 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 26 та маҳалла фуқаролар йиғини, 48 та умумтаълим мактаби, 5 та касб-ҳунар коллежидида маъруза ва суҳбатлар ўтказилди.

2011 йилнинг 5 оyi давомидида ФХДБ бўлимига 589 нафар ёшлар никоҳ қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди ва уларга тегишли тартибда тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, 680 нафар чақалоққа туғилганлик тўғрисида гувоҳнома берилди.

Дилдора ЗИЯДУЛЛАЕВА,
Пешку туман ФХДБ бўлими мудири

● БАНК ХИЗМАТИ



Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида банклар ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғини қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар бундай вазиятда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли аҳолининг банкларга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш имкониятлари очиб берилди. Тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самараларини бермоқда.

"Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки Фарғона вилоят филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун", деган энг асосий тамойил дастуриламал бўлмоқда.

2011 йил 1 июнь ҳолатига Фарғона вилояти иқтисодиётининг турли соҳаларида йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 27,5 млрд.сўмга етди. Кредит қўйилмаларининг 24,7 млрд.сўм миқдоридида қисми ёки 89,8 фоизи узок муддатли кредитларни ташкил этиди. Банк филиали асосий эътиборни Фарғона вилояти иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга, экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратмоқда. Жумладан, вилоятда йирик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича тақдим этилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банк филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2,4 млрд.сўм миқдоридида кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорли-

гини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятидаги 3 та банкрот деб эълон қилинган корхоналар негизидида янги корхоналар ташкил қилиниб, уларни молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилди. Банк томонидан Фарғона вилоятидаги ушбу корхоналарга жорий йилда киритилган 1,6 млрд.сўмдан зиёд миқдордаги

қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳозирги даврда Банкнинг асосий стратегик мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали Республикамиз иқтисодиётида ўз муносиб ўрнини мустаҳкам-

«АСАКА» БАНК:
МАҚСАДИМИЗ МИЖОЗЛАРГА ЮҚОРИ
СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ

инвестициялар ҳисобига корхоналар ўз ишлаб чиқариш фаолиятини тиклади ва 219 нафар янги ишчи ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганлиги ҳаммага маълум. Муҳтарам Президентимиз томонидан 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили деб номланиши ҳам бежиз эмас. Бу эса, "Асака" банкига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилган ҳолда кредитлар салмоғини оширишга катта имкон бермоқда. Шу мақсадда банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, авваламбор, экспортбон ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринларини барпо

лашдан иборатдир.

"Асака" банк Фарғона вилояти филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 11,5 млрд.сўмни ташкил этди. Ушбу берилган кредитлар ҳисобида вилоят бўйича жами 331 нафар янги ишчи ўринлари ташкил қилиниши таъминланди. Ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида фаол ишлар олиб боришмоқда, уларга имтиёзли шартларда хизматлар кўрсатишмоқда. 14 нафар ёш оилаларга 448,3 млн.сўм миқдоридида ипотека кредитлари, 30 нафар ёш оилага 128,2 млн.сўм миқдоридида истеъмол кредитлари берилди.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида вилоят аҳолисига 513,3 млн.сўм миқдоридида истеъмол кредитлари ажратилди.

Пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар

Маҳкамасининг Қарорларини ҳамда Марказий банк кўрсатмалари ижросини таъминлаш борасида фаол ишлар олиб боришмоқда.

Аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг фойт

дан аҳолининг 2,4 млрд.сўм миқдоридидаги бўш пул маблағлари омонатларга жалб қилинди ва омонатлар қолдиғи 5,2 млрд.сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимиз тўлов тизимини ривожланишида банк пластик карточкалари аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки пластик карточкалар, биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва пенсия тўловларини ўз

вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликни ўз вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб

тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб боришмоқда. Банк филиали томонидан 2011 йилнинг 5 оyi давомидида 13 626 дона пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони 105 811 донага етказилди. 826 та терминал, 2 та банкомат ва 3 та инфокиоск ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларда "иш ҳақи" лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 871 тага етказилди.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. 2011 йилнинг 5 оyi мобайнида савдо айланмалари миқдори 29,2 млрд.сўмни ташкил қилди.

"Халқаро пластик карточкалар ("Master Card") орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими"ни кенгайтириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Банк филиали томонидан муомалага чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 7 642 дона ташкил қилди. Халқаро пластик карточкалар орқали амалга оширилган транзакциялар миқдори 5,6 млн. АҚШ долларидан ошиб кетди.

"Асака" банк Фарғона вилоят филиали томонидан барча тоифадаги мижозларга, жисмоний ва юридик шахсларга, аҳолига ҳар томонлама қулайликлар муҳайё қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати муҳим устувор вазифалардан саналади. Банк филиали жамоаси мазкур соҳанинг ривожини иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши англаган ҳолда фаолиятларини йўлга қўйганлар. Шунинг учун ўзларининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб олишда масаланинг ана шу томонини назардан қочирмасликка интилаётганларини кўриш мумкин. Натижада республика иқтисодиётининг ҳар томонлама ўсиши учун мавжуд қулай шарт-шароитлар замирида фаолиятининг самарадорлигига эришилмоқда.

Банк Ахборот хизмати

ЖАРАЁН

ИБРАТ

УСТОЗ ОТАНГДАЙ УЛУҒ

Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамisha миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишласин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етух шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз”.

Дарҳақиқат, устозларни ҳурмат қилиш халқимизнинг қадимий миллий қадриятларидан бири бўлиб, уларга нисбатан ҳурматни сақлаш ва одоб кўрсатиш, илм-маърифат сирларининг асосий мезонларидан саналади. Мен Баҳодир ака Файзуллаев ҳақида ўйлаганимда беҳтиёр ибратли инсон, меҳрибон устоз кўз олдимда гавдаланади. Бахтиёр аканинг устоз сифатидаги макомиди ўзига хосликни кўраман. У киши бугун ўнлаб, юзлаб шогирдлар даврасида мустақил ватанамизнинг йигирма йиллигини нишонлаётган бахтиёр устозлардан бири сифатида кечаги кунига назар солади. Ўз меҳнат натижаларидан ҳузур олади.

Дарҳақиқат, Н.Соатова, Ю.Каримова, Қ.Ёдгоров сингари шогирдлари — навқирон ёшлар ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш соҳасида ўзи билан ёнма-ён фидойилик кўрсатаётган, уларнинг меҳнат ютуқларидан, эришган натижаларидан бутун жамоа, институт, соҳадор дўст-биродарлар қувониб турган пайтда кўнгал қаноат ва ҳузур туймайдими? Айниқса, уларнинг ёнига Ш.Алмаматова, С.Сойилов сингари билимдон, серғайрат шогирдлар қилиб қўшилиётган, бу силсилани давом эттиришга шай бўлиб турган яна бир қатор ёшлар,

устознинг шогирдлари бу йўлда дадил одимлаётган бўлса-чи? Баҳодир аканинг ўзи бир пайтлар шогирд эди. У Самарқанднинг Пойриғида бошланғич таълим муаллими оиласида дунёга келди. Дастлаб ўзи туғилиб ўсган Чапарашли қишлоғида устозларнинг илк сабоқларини олди. Кейин Челақдаги ўрта мактабни битирди. Унинг кундалигида “аъло” дан бошқа баҳо бўлмас эди.

Бу анъана Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги Педагогика университети) да ҳам бузилгани йўқ. Шунинг учун ҳам устозлар уни илмий ишлар билан шуғулланишга даъват қилишди. Ишга йўланма ҳам Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтига берилди. Бу ерда у академик Ш.Шоабдурахмонов раҳбарлигида “Бадий асар тилида диалектизмлар” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олимнинг асосий илмий-педагогик фаолияти Жиззах давлат педагогика институтини билан боғлиқ бўлган. У 1976 йилда институтнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетидаги “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида лаборант вазифасида иш бошлади. Кейин шу кафедра ўқитувчиси (1977), катта ўқитувчиси (1981), ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари (1981-1985), факультет декани (1985-

1986, 1994-2005) лавозимларида ишлади.

Бошқалар дарди билан яшай олиш, ўз манфаатидан бошқаларникини, соҳадор, касбдошлар манфаатини устун қўйиш, халқ ва юрт ташвишини ўзиники деб билиш фазилати жуда очик кўриниб тургани учун у узоқ (1987-1994) йиллар давомида институт касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси сифатида фаолият кўрсатди.

2005 йилдан буён эса “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасининг мудиридир. Олимнинг ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари, ўзбек тилини ўқитиш, тил ва адабиёт таълимининг такомилли, малака ошириш тизимида оид ўнлаб мақолалари мутахассислар эътирофига сазовор бўлган. Унинг ўзи ва ҳамкорликда яратган ўқув қўлланмалари, методик тавсиялари таълимнинг турли соҳаларидаги касбдошларига хизмат қилмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов “Юсак маънавият — енгилмас куч” асарларида таъкидлаган “Ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимиз” қаторида Баҳодир ака Файзуллаев ҳам шу муқаддас вазифаларни сидқидилдан адо этишда доимо камарбаста.

Ширинсухан шоиримиз Ҳабибий айтганларидай, “юзларидан доим меҳр нури ёғилиб турадиган” Баҳодир ака Файзуллаев сингари устозлар ҳар доим соғ-саломат бўлишсин, уларнинг илм-фан, таълим-тарбия соҳасидаги катта тажрибалари юртимиз равнақига, ёшларимизнинг баркамол авлод сифатида қад ростлашларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаверсин.

Бокижон ТҲЛИЕВ,
филология фанлари доктори, Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедрасининг мудир

АНЖУМАН

МУҚАДДИМА

Шу йилнинг октябрь ойида пойтахтимизда ўтказиладиган I-Тошкент замонавий кино халқаро фестивалига бағишланган матбуот анжумани Фонд Форум ҳамда “Ўзбеккино” миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуманда фестивалнинг ишчи гуруҳи ва жамоатчилик кенгаши аъзолари катнашди. Даставвал, журналистларга ўзбекистонлик ёш кинематографлар ўртасида ўтказилган қисқа метражли фильмлар кўрик-танловининг натижалари ҳамда фестивалга тайёргарлик қай даражада кетаётгани ҳақида батафсил маълумот берилди. “Муқаддима” — Тошкент кинофестивалига тайёргарлик доирасида ўтказилган қисқа метражли ўйин фильмлари кўрик-танлови бўлиб, нуфузли ҳайъат аъзолари эътиборига ёш кинематографчилар, шунингдек, талабаларнинг 30 дан ортиқ асарлари ҳавола этилди. Танлов шартларига кўра, 2009-2011 йилларда суратга олинган, ҳажми 30 дақиқалик фильмлар қабул қилинган. “Муқаддима” да 5 та фильм муаллифи голибликни қўлга киритди. Шунингдек, ёш режиссёр Шавкат Йўлдошев “Кўрик-танловнинг самарали ўтишига яқиндан қўмақлашгани учун” мукофот билан тақдирланди. Жамоатчилик кенгаши аъзолари голиб бўлган қисқа метражли кино асарларини I-Тошкент Замонавий кино халқаро фестивалининг “Қисқа метражли кино” номинацияси бўйича саралаш комиссиясига тақдим этишга келишиб олишди. Бундан ташқари, анжуман чоғида ишчи гуруҳ томонидан кинофестивалнинг шiori, мавзу, мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. I-Тошкент Замонавий кино халқаро фестивалининг мақсад-вазифалари улуг. Бунга “Муқаддима” кўрик-танлови орқали яна бир қарра амин бўлиш мумкин.

Зафар МУХАММАД,
“Milliy tiklanish” мухбири

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири, иқтисодийнинг реал соҳаларида фаоллиқни жонлантиришга ёрдам берувчи инвестиция оқимларини рағбатлантириш ҳисобланади. Тижорат банклари миллий иқтисодий тизимни инвестициялар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, капитал бозорда ҳам ўзига капитал жалб қилувчи эмитент, ҳам республика корхоналари-га инвестиция маблағларини киритувчи инвестор сифатида фаолият юритади. Шунинг учун республикамиз тижорат банкларининг устав капиталига молиявий инвестициялар киритиш йўли билан ривожлантирилиши устувор вазифа қилиб қўйилган. Республика банк секторини ривожлантириш, хусусан, ундаги корпоратив бошқарув тизимини мустахкамлаш бўйича қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда ва муваффақият билан амалга оширилмоқда.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тижорат банкларидек йирик корпоратив тузилмаларни бошқариш, ундаги менежерларнинг амалий фаолиятини назорат қилиш ҳамда асосий молиявий қарорларнинг қабул қилинишига йўл қўймаслик масалаларига янада талабчанроқ ёндашиш кераклигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ушбу масалада «...авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислох қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган...» банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлайди, - деб баҳо берди. Фонд бозоридида фаолият қўлаи ва кўплаб инвесторлар маблағини жалб қилиш борасида банк коллектив (корпоратив) инвестициялаш институтлари кабилар.

Ҳозирги пайтда республикамизда жами 31 та банк бўлиб, уларнинг 3 таси давлат, 11 таси акционерлик-тижорат, 12 таси хусусий, 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклари.

2011 йилга келиб республика банкларининг жами устав капитал 4160 млрд. сўмга етган бўлиб, бу жами эмитентлар йиғиндисининг 60 фоизини ташкил этади. Шунингдек, банк сектори миллий фонд бозорининг фаол катнашчиси ҳисобланади. «Тошкент» Республика фонд биржасида қимматли қоғозларга бўлган инвестициялар ҳажми динамикаси шунини кўрсатмоқдаки, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра биржа айланмасининг умумий ҳажмида банклар иштироки салмоғи 3,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг якунларига кўра эса 50,3 фоиздан юқори бўлди.

Акциядорлик-тижорат банклари “Тошкент” РФБнинг расмий биржа листингига киритилганлиги, ушбу банкларнинг ишончилиги, молиявий барқарорлиги, инвестициявий жозибадорлиги ва ахборотнинг очиклиги ҳақида далолат беради. Буларнинг барчасига банклар қимматли қоғозларининг котиловкалини орқали эришилди. Бу эса адолатли бозор нархларини белгилаб беради.

Тижорат банкларининг фонд бозоридида иштироки, айниқса, бирламчи қимматли қоғозлар бозоридида сезилмоқда. 2007 йил бошида банк операцияларининг бирламчи биржа айланмасида реализация қилинган жами қўшимча эмиссиялар ҳажмидаги салмоғи 65,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йил якунларига кўра эса 99,9 фоизни ташкил этди. “Тошкент” Республика фонд биржасида сўнгги уч йил давомида реализация қилинган қўшимча эмиссиялар акцияларининг энг катта ҳажми “Агробанк”, “Ипотека-банк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Алоқа-банк” эмиссияларига тўғри келади.

Республикамиз тижорат банклари учун маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун республикада қулай шароит яратиш — инвестицион жозибадорлигини янада ошириш ҳамда энг яхши амалиётдаги корпоратив бошқарувни жорий қилиш зарур. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базаси тижорат банкларига лозим даражада корпоратив бошқарув тизимини қуришга имкон беради. Шу билан бирга, республикада корпоратив муносабатларнинг тобора ривожланиб бораётганлиги ва жаҳон инқирозидан олинган сабоқлар миллий корпоратив ҳуқуқ асосларини янада такомиллаштириб бориш лозимлигини кўрсатмоқда. Зеро, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” деб номланган маърузасида қайд қилингандек: “...Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун қандай механизмларни ҳаракатга келти-

риш зарур? Шу муносабат билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг қарорларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айни муддао бўлур эди». Бу авваллабор, корпоратив бошқарувнинг муҳим ажралмас таркибий қисми бўлган корпоратив назорат тизимини мустахкамлашга тааллуқлидир. Чунки жаҳон инқирози корпоратив бошқарувнинг айнан ушбу жиҳатдан заиф бўлиши мумкинлигини намойиш қилди.

Тижорат банкларида корпоратив назоратнинг муҳим бўлини бу — тафтиш комиссиясидир. Аудиторлик ташкилоти ва ички аудит хизматида фарқли равишда Тафтиш комиссияси корпоратив назоратнинг энг мустақил органи бўлиб, ўз ташаббусига мувофиқ акциядорларнинг навабдан ташқари умумий йиғилиши ва банк кенгашининг мажлисини чақиритиш талаб қилишга ҳақлидир. Ҳозирги пайтда қўлчиллик ҳолларда корпоратив бошқарув органларида акциядорларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ишончли вакиллари аъзо қилиб сайланмоқда. Бу ижобий тенденция. Чунки, ушбу усул билан компанияни бошқариш фаолиятига саводли ва малакали мутахассисларни жалб қилиш мумкин. Самарали корпоратив назорат тизими, тафтиш комиссияси аъзоларининг иш фаолияти сифатида боғлиқ. Шунинг учун, уларни тақдирлаш масаласи ўта муҳим масаладир. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 82-моддасида кузатув кенгаши ваколатларига жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчиси) тўланадиган ҳақ ва компенсация микдори юзасидан тавсиялар бериш киритилган бўлсада, ушбу қонуннинг 110-Тафтиш комиссияси тўғрисидаги моддасида тафтиш комиссияси бажарган иш фаолияти учун ҳақ ва компенсация олишга ҳақли эканлиги ёритилмаган. Бу ўринда, корпоратив бошқарув органлари аъзоларини тақдирлаш тизимини яратиш бўйича иқтисодий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқиши ва кенг амалиётга жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Инвесторлар томонидан корпоратив назоратни амалга оширишда аффилиланган шахслар ҳақидаги ахборотларнинг ошқор қилиниши муҳимдир. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг бир неча моддаларида ушбу шахслар турли масалаларда тилга олинган. Мазкур қонунда ҳаттоки алоҳида модда жамиятнинг аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборотга бағишланган (109-модда). Ушбу моддада: «Шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ аффилиланган деб ҳисобланади» деб ёзилган. Бироқ, мазкур Қонуннинг бирон қисмида аффилиланган шахсга таъриф берилмаган. Бу эса жойларда тушунмовчиликларга олиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон банкларида корпоратив бошқарув органлари инфратузилмасини ривожлантириш ва уларнинг инвестиция жозибадорлигини оширувчи самарали дивиденд сиёсатининг юритилишини рағбатлантириш, бошқарув органлари ҳамда кузатувчи кенгашлар қошидаги органлар — ички аудит, корпоратив маслаҳатчиларни малакали кадрлар билан мустахкамлаш муҳим ва долзарб масалалар сирасига кириди.

У.МИРХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

ҚЎҚОН ШАҲАР “ПРОФТЕКС ПЛЮС”
МЧЖ ЖАМОАСИ

Миллий истиқлол ғоясини кенг халқ оммасига сингдиришда, мамлакатимизда кечаётган ислохотларни, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида тўғри ва холис ёритаётган барча қалам аҳлини касб байрамлари билан қизғин табриклаймиз.



Сизларга куч-қувват, ижодингизга барака тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

НИГОХ

**“АСАКА” банк (ОАЖ) жамоаси**

*Сиз азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа соҳаси
фидойиларини, муҳтарам фахрийларни
касб байрами -*

**27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни**
билан самимий муборакбод этади.



**Барчангизга
сиҳат-
саломатлик,
бахту саодат,
ижодий
ютуқлар
тилаймиз.**

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ**ЎЗГИ ТАЪТИЛ
КУНЛАРИДА**

Сурхондарё вилоят қўғирчоқ театри жамоаси ўзги таътил кунларида болажонларимиз учун янги “Ўткир шохли букача” спектаклини сахналаштирди.

Р.Фарҳодий қаламига мансуб ушбу асар болаларни она табиятни асраб-авайлашга, дўстлик, меҳрур қибат каби эзгу ғояларни

қадрлашга чақиради. Шунингдек, вилоят бўйлаб ижодий сафарга чиққан жамоа томонидан Денов, Жарқўрғон, Термиз туманларида Г.Қобилов сценарийси асосида сахналаштирилган “Жонларингга жон бўлай Ватан, пок шаънингга шон бўлай Ватан” номли театрлаштирилган томоша-си, “Дутор”, “Дано тошбақа” каби спектакллар намойиш этилди. Тадбир доирасида “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” номли ижодий кеча ҳам ўтказилди.

**НАМАНГАННИНГ
ГУЛЛАРИ**

Бола бежизга гулга қийсанмайди. Чунки, улар гулдек нозик ва беғубор бўлишади.

Яқинда Норин туман маданият ва истироҳат боғида Ҳаққулбод шаҳридаги 1-, 2-, 3-, 6- ва 7-сонли боғча тарбияланувчилари иштирокида “Ёшлигим — олтин даврим” деб номланган театрлаштирилган томоша бўлиб ўтди. Туман хотин-қизлар кўмитаси,

“Соғлом авлод” жамғармаси ҳамда “Қизил ярим ой” жамияти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу концерт нафақат катта ёшдаги томошабинлар, балки болажонлар учун ҳам манзур бўлди.

**ҚИЗИҚАРЛИ
УЧРАШУВЛАР**

“Маҳалла” жамғармаси вакиллари иштирокида Самарқанд вилоятидаги 1094 та маҳалла фуқаролар йиғинларида бир нечта давра суҳбатлари ўтказилди.

Номоддий мерос объектларини аниқлаш, уларни асраб-авайлаш борасида қилинаётган амалий ишлар 3 мингга яқин ёш иштирок этган давра суҳбатининг асосий мавзуси бўлди. Шунингдек, вилоятнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги “Маънавият тарғибот” ва “Ёшлар билан ишлаш” комиссиялари томонидан ташкил этилган мулоқотлар чоғида воҳадаги қадамжолар, машҳур инсонлар ва уларнинг босиб ўтган умр йўллари ҳақида ҳам суҳбатлашилди.

**Мухтасархон
КАРИМОВА**

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Мухаммаджон КУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаил ХУДОЁЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Бош муҳаррир уринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

ЎГИТ

Дондан бир панду насиҳат сўрдим,
Дедик: «Нодонга қўшилма ҳеч ҳам.
Агар доно бўлсанг, аҳмоқ бўласан,
Йўқса, нодонлигинг ортар яна ҳам».

БИЛАСИЗМИ?

Тонго қироллиги Океания мамлакатлари ҳудудидаги ягона монархия ҳисобланади.

Филиппин архипелаги таркибига 7107 та орол киради.

ТУРФА ОЛАМ**НОЁБ ТОПИЛМАЛАР**

**РОССИЯЛИК АРХЕОЛОГЛАР АЗОВ МАРКАЗИДАН
ҚАДИМГИ ПАШШАТУТТИЧ ВА ОМОЧ ТОПИШГАН.**

Мутахассисларнинг таҳминча, ушбу тарихий ашёлар XIV асрга тегишли бўлиши мумкин. Ҳозирда Азов музей-қўриқхонаси топилмалар устида ишляпти. Музей ўтган асрнинг 1960 йилларидан бошлаб шаҳар ҳудуди бўйлаб мунтазам равишда археологик тадқиқотлар уштириб туради. Уларнинг гапига қараганда, илгарилари бундай ноёб топилмалар мамлакат ҳудудида учрамаган. Қадимги пашшатуттичга келсак, у оғзи тор катта идиш кўринишида бўлиб, шарбат билан тўлдирилган экан. Табиийки, идишга кириб қолган пашша у ердан соғ чиқмаган.

**ШАФФОФ САМОЛЁТ**


**AIRBUS АВИАКОНЦЕРНИ ШАФФОФ КОРПУСЛИ
САМОЛЁТ МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ.**

Мухандисларнинг навбатдаги ғояси авиаконцерн томонидан 2050 йилларда амалга оширилиши кутилмоқда. Ғояга кўра, Airbus Concept Plane ҳаво лайнерининг деворлари махсус мембранага эга бўлади. Бу энг аввало, самолёт саломидаги иссиқликни сақлашда қўл келади. Қолаверса, йўловчилар само кенгликларини бўй-басти билан томоша қилишга муваффақ бўлишади. Ишланма муаллифларнинг айтишича, шаффоф самолёт оддийсидан унчалик фарқ қилмайди. Унда ҳам энг сўнгги русумдаги самолётларда мавжуд қулайликлар бўлади.

**ТЕЛЕВИЗОР — УМР ЗАВОЛИ**

**БОР-ЙЎҒИ ИККИ СОАТ ТЕЛЕВИЗОР КЎРГАН
ИНСОННИНГ УМРИ БИР НЕЧА ЙИЛЛАРГА
ҚИСҚАРИШИ МУМКИН.**

Шундай хулосага келган инглиз тадқиқотчиларининг фикрича, атиги икки соат теледастурлар томоша қилган 65 ёшдаги инсонлар орасида ўлим хавфи 13 фоизга ўсади. Олимлар ана шу хавф сабабини ҳам аниқлашди. Камҳаракатлик, телевизор қаршида овқатланиш, овқатланганда ҳам заҳарли моддаларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш юрак, қандли диабет хасталиқларига гирифтор қилиб, ўлим хавфини келтириб чиқараркан.

**КАРАМ УСТИДАГИ ТАДҚИҚОТ**

**ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК ОЛИМЛАР КАРАМ РАК
ТЎҚИМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ЧЕК
ҚЎЙИШНИ АНИҚЛАШДИ.**

Тажриба чоғида олимлар 23 турдаги корейс карамларини текшириб кўришган. Натижада, ушбу карамлар таркибида 14 хилдаги антиконцероген ва глюкозинолатлар мавжудлиги аён бўлган. Маълум бўлишича, глюкозинолатлар ўлган тўқималарнинг тикланишига ёрдам берибгина қолмай, организмда ҳосил бўлган ўсимта ва рак безларига ҳам қирон келтирар экан. Қолаверса, тадқиқот давомида корейс карамларида глюкобрассининг миқдори кўплиги боис, кўкрак беи саратонини даволашда брокколига қараганда анча самара бериши ҳам ўз тасдиғини топган.

**3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Агзамова Ҳамидага тегишли Юнусобод тумани, Шаҳристон кўчаси, 49-уйнинг уй плани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилояти Кенгаши Ижроия кўмитаси ЎзМТДП Зарбдор туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Н.Алмановнинг онаси

ҚОРАСОЧ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси партия вилоят кенгаши аъзоси

Рўздат САИДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор қилади.